

ОММАВИЙ-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ СУДЛАРГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

Камалатдин Хожамуратов,
Судьялар олий мактаби тингловчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг бартараф этиши истиқболлари хусусида фикр юритилади. Бугунги кунда оммавий хуқуқий низоларни судда кўриши билан бир қаторда судга даъво қўзгатиш йўли билан маъмурий низоларни ҳал этишининг муқобил усулларини таъминлаши нафақат илмий, балки нафақат йўналишида, балки қонунчилик даражасида ҳам долзарб ва устувор вазифадир.

Калим сўзлар: оммавий-хуқуқий муносабатлар, Тааллуклилик, Адвокатура.

ABSTRACT

This article discusses the prospects for resolving disputes arising from public-legal relations. Today, providing alternative methods of resolving administrative disputes by filing lawsuits in court, as well as public legal disputes, is an urgent and priority task, not only at the scientific level, but also at the legislative level.

Keywords: public-legal relations, Relevance, Advocacy.

КИРИШ

Қандай турдаги ишлар маъмурий судларга тааллукли деган саволга жавоб беришдан олдин, тааллуклилик тушунчасига баҳо бериш лозим.

Тааллуклилик – бу давлат томонидан ҳал этиладиган хуқуқ ҳақидаги низолар ва бошқа юридик ишларнинг у ёки бу давлат органи юритувига тегишлилигидир. Тааллуклилик юридик ишларни турли хил юрисдикциявий органлар ўртасида аниқ ва мақсадга мувофиқ равишда тақсимланишини таъминлайди. Тааллуклиликнинг муҳим белгиси – бу унинг қонун билан аниқ белгилаб қўйилганлигидир. Оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг маъмурий судларга тааллуклилиги масаласини ўрганиш, шунингдек доирасини аниқлаштириш учун, биринчи навбатда, “оммавий-хуқуқий муносабат” тушунчасини таҳлил қилишдан бошлаймиз.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Оммавий-хуқуқий муносабат – қатнашчиларининг бири томонидан иккинчисига нисбатан ўз ваколатларини амалга ошириши натижасида вужудга

келадиган хуқуқ субъектлари ўртасидаги хуқуқий муносабатдир. Оммавий хуқуқий муносабатлар қуйидаги хусусиятларга эга:

биринчидан, субъектлар ўз хуқуқий мақомида тенг эмаслиги;

иккинчидан, оммавий-хуқуқий муносабатга киришишда ҳокимият ваколатига эга бўлган субъект иштирокининг мажбурийлиги;

учинчидан, “ҳокимият-бўйсениш” формуласига мос равишда қурилган бўлиб, бир тараф фақат хуқуқий мажбуриятларга, иккинчи тараф субъектив хуқуқларга эга бўлиши;

тўртинчидан, жисмоний шахснинг хуқуқий мақоми турли кўринишида учраши, хусусан, жисмоний шахс мажбуриятларга эга тараф сифатида, мансабдор шахс эса ҳокимият бошқарув ваколатига эга тараф сифатида иштирок этиши;

бешинчидан, тараф сифатида жамоанинг, кўпчиликнинг фикрини ифода этадиган субъект сифатида фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотлари, бирлашмалари иштирок этиши мумкин.

Н.В.Сухаревнинг фикрича, маъмурий-хуқуқий низо деганда, муайян маъмурий муносабат иштирокчиларидан бирининг маъмурий-хуқуқий муносабатнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишига сабаб бўлган юридик фактга нисбатан норозилиги ифодасидир. Маъмурий-хуқуқий низолар бу маъмурий хуқуқ субъектларининг хуқуқ ва мажбуриятларига оид бўлган низолардир ва улар ўзининг мазмуни жиҳатидан бошқа юридик низолардан фарқ қиласиди¹.

Ю.Н.Стариловнинг фикрича эса, маъмурий хуқуқий муносабатлар субъектлари ўртасида юзага келган низоларнинг ўзига хос моҳиятини тарафларнинг нотенглиги билан ифодалаш мумкин, яъни тарафлардан бири ҳокимият/бошқарув ваколатига эга бўлади².

Оммавий-хуқуқий низолар – давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари фуқаролар ва юридик шахсларнинг хуқуқ ва эркинликларини бузган ҳолларда келиб чиқсан низоларни тушуниш мумкин.

Низода қуйидаги учта белгининг бир вақтда мавжуд бўлиши ишнинг маъмурий суд судловига тааллуқли эканлигини анлатади:

а) ишда жавобгар — маъмурий орган бўлиши;

¹ Н.В.Сухарева - Сущность административно-правовых споров//Юрист 1999 №10.- 52.

² Ю.Н.Старилов - Административная юстиция: Проблемы теории - 1998, 127 бет.

б) ариза (шикоят) маъмурий органнинг ҳужжатига ёки хатти-ҳаракатига (ҳаракатсизлигига) қаратилган бўлиши;

в) устидан ариза (шикоят) берилган ҳужжат ёки хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) маъмурий ва бошқа оммавий хуқуқий муносабатлардан келиб чиқсан бўлиши лозим.

МСИЮТКнинг 27-моддасига кўра, суд:

1) идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

2) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-хуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг хуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги;

Шунингдек, 2021 йил 12 январдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-662-сон қонунига асосан МСИЮТК 27¹ ва 27²-моддалари билан тўлдирилиб, унга кўра:

6) инвестиция низолари, яъни инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;

7) ракобат тўғрисидаги, яъни юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартиbdаги тадбиркорлар

ва монополияга қарши орган ўртасида товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни ҳал қилади.

Суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади.

Шунингдек, “Адвокатура тўғрисида”ги қонуннинг 15 ва 16-моддаларида тегишинча адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳамда тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, ушбу Қонуннинг 16-моддасига кўра, лицензиянинг амал қилишини тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам маъмурий суд томонидан амалга оширилиши мумкин³.

Бундан ташқари, “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 15³-моддасига биноан, лицензиянинг амал қилишини тугатиш нотариусни хисобга олган Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг, адлия бошқармасининг мурожаатига кўра малака комиссиясининг қарори асосида маъмурий суд томонидан амалга оширилади.

Ушбу Қонуннинг 15⁴-моддасига мувофиқ, лицензия соҳта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда лицензияни бекор қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг аризасига асосан маъмурий суднинг қарори билан амалга оширилади⁴.

Олий суд Пленумининг “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 24-

³ Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги ЎРҚ-349-1-сон Қонуни, <https://lex.uz/docs/54503>, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон);

⁴ Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги ЎРҚ-343-1-сон Қонуни, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 42-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2006 й., 39-сон, 385-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2010 й., 37-сон, 313-модда; 2012 й., 15-сон, 163-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 15.01.2020 й., 03/20/602/0052-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон, 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон);

сонли қарорини 8-бандига асосан, маъмурий судларга бир қатор ишларни ҳам Кодексда назарда тутилган тартибда кўриб чиқиш белгиланган⁵.

МСИЮтКда ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган хукуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги мустаҳкамланган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, жисмоний ва юридик шахслар томонидан маъмурий органлар устидан судга ариза ва шикоят берилганида, аввало низолашилаётган масала юзасидан маъмурий органнинг ички бўйсунувида бўлмаган манфаатдор шахсга (ташқи субъектларга) йўналтирилган, ҳокимият ваколати асосида қабул қилинган, қарор йўналтирилган шахс (адресат) учун маълум бир ҳукукий оқибат келтириб чиқарувчи индивидуал хужжатнинг бор-йўқлигига эътибор қаратилиши лозим.

REFERENCES

1. Н.В.Сухарева - Сущность административно-правовых споров//Юрист 1999 №10.
2. Ю.Н.Старилов - Административная юстиция: Проблемы теории - 1998,
3. Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги ЎРҚ-349-1-сон Қонуни, <https://lex.uz/docs/54503>, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2008 й., 52-сон, 514-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон);

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарори, <https://lex.uz/docs/4711311>;